ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

ТАЛАБА- ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ БУРЧИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ МУХИМ ОМИЛИ

Оғабек Султанов
Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Sultan.aga3721@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг келгусида нафақат етук мутахассис, балки ўз она юртини севувчи фаол фуқаро сифатида тайёрлаш, уларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш жамиятимиз, миллатимизнинг ҳар қандай хавф ва таҳдидларга бардош бера олишини таъминлаши масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: олий таълим, ахлоқий фазилатлар, Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ, юксак маънавиятли шахс, ҳислатлар ва иллатлар.

STUDENT- THE FORMATION OF THE MORAL VOCATION OF YOUTH IS AN IMPORTANT FACTOR OF PERFECT HUMAN EDUCATION

ABSTRACT

The article reveals the issues of training students in higher education not only as mature professionals, but also as active citizens who love their homeland, the development of their patriotism will ensure that our society and nation can withstand any threats and challenges.

Keywords: higher education, moral qualities, Turkish gulistan or morality, high spirituality, qualities and vices.

КИРИШ

Олий таълим тизимида бурчнинг бўлиши аҳамиятлими ёки бурчнинг вазифаси нимада деб савол берадиган бўлсак қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Ёвропанинг бир неча университетлари томонидан Олий таълимдан кейин талабалар ишга киришидаги муоммолар ўрганилиб чиқилди.2010-йилда Кёлн университетининг олимлари Хеқман ва Қаутз тадқиқот олиб борди.Тадқиқот натижаларига кўра билим диплом умуман рўл ўйнамаслиги ишга кириш жараёнида ундан кўпинча шахсий қобилияти ва кўникма,итоаткорлик мувафаққият сари бошлаган.Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

бўйича 25 йил давомида изланишлар олиб борилган. Иш берувчилар ва битирувчилар ўртасидаги йиллик миллий сўровларда 2015-йил қатнашувчиларнинг 80 фоизи олий маълумотли ва ётакчилик қобилиятига егалиги аниқланган.Яна бир тадқиқот 2013-йилда ўтказилади.Охирги натижалар шуни кўрсатадики университетни битирган талабаларнинг барчасида керакли бўлган коникмалар умуман бўлмаган.Бундан шуни тушуниш мумкинки, олий таълим талабаларга фақат керакли бўлган билимларни беради аммо иш топиш хар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бурч одамнинг олдига қўйган мақсадини амалга оширишда қатъият билан давом эттириши учун кўмаклашади. Бунинг учун албатта унда бурчдан ташқари қуйидаги ахлоқий хусусиятлар бўлиши керак:

- Биринчидан ахлоқий фазилатлар. Фазилатлар деганда биз инсоннинг ҳаёлида ва фаолиятида яхшиликни ният қилишидир. Шу ўринда ҳар соҳада тўғри ўйлаб, ақлга таяниб иш кўришдан иборат ҳам ҳисобланади.
- Маъсулият бу ҳозирги вақтга келиб ҳамманинг диққат марказига айланиниб қолган ижобий ҳислатдир. Маъсулият билан ишлаш инсонда ўз ишининг қийинчиликларини осонгина енгиб ўтишга ёрдам беради.
- Зеҳн ва идрок.

Бу ҳақида маърифатпарвар шоир ва ёзувчимиз Абдулла Авлонийнинг ”Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” китобида яхши таъриф берилган.Таърифга кўра “Идрок ва зако деб очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмакни айтилур. Идрок ва зако яхши хулқларнинг разваи ризвони, ибрат кўзларининг нури раҳмонийсидир.Илму маърифат соҳиби бўлмоқ учун саъй ва ғайрат керак ўлдиғи каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи шартдур.

- Ақлий тарбия. Бу ҳақида Жадидчилик ҳаракат намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” деб номланган асарида шундай деб ўтади”. Ақлий тарбия, яъни одам ақлини тарбиялаш бу одам зеҳни,ақл-идрокини камолга етказишдир.Яхши билмоқ , яхши ўрганмоқ ва мукаммал фикр қилмоқдир. Одам иш қилишдан олдин уни ҳаёлга келтиради,ўйлайди, фикр қилиб кейин амал қилади. Ана шу тафаккурни, зеҳн ҳаракатини “муҳокама” дейдилар”.

Юртимизда баркамол шахсни тарбиялаш учун мустақилликнинг илк босқичларидан бошлаб аҳамият бериб бошланган. Баркамол шахс ҳақида гап кетганда қуйидаги жумлалар орқали яхшироқ тушуниб олишимиз мумкин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

ҳисобланади. ”Миллат қонидаги барҳаёт маърифат туйғуси асрлар оша ўзбек халқида ҳам жўш уриб келган. Буни биз мусулмон шарқида “Муалим-ус соний” номини олган Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам кузатишимиз мумкин. Асарда жамиятнинг ҳар бир фуқораси, айниқса, ёшлар мансаби, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар фозил бўлиши кераклиги таъкидланади. Фозил фарзанд ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, ўз касбининг устаси бўлиб, керак бўлганда ватани учун жонини фидо қилади. Фозил фарзандлар бир-бирига ҳурматда бўлади.Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр-ехтиром бўлади” .

Инсон улғаяр экан бу ҳаётда ўзининг йўлини топиб олиши учун албатта мақсад бўлиши керак. Мақсадга эришиши учун ундан сабр- тоқат, матонат ва албатта ўз касбига бўлган садоқатнинг бўлиши шарт.Ўз навбатида талабалар ўз соҳалари бўйича етук мутахассис бўлиши учун улар бир неча тилни мукаммал билишни ҳам талаб қилади.Тил бойлиги ва сўз бойлигининг кўплиги талабанинг келажак пойдеворини мустаҳкамлайди.Илм-фанни мукаммал ўрганиш орқали инсоннинг ижодий тафаккури ривожланганлиги каби инсон ўзининг ахлоқий муносабатлари орқали ўзининг ички дунёсини ўстириб боради.

Бурчнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақида гап кетганда албатта бу тушунча ўзининг қалбида ўз ишининг нақадар улуғлигини, натижаси эса ўзи ва бошқаларга ҳам наф келтиришини назарда тутади.Буюк файласуф Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида қуйидагича фикрлар орқали ҳокимлардаги ҳислатлар ва иллатлар тилга олинади.”Ҳокимлар, асл олижаноб оқсоқоллар сингари улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга болишлари керак.Ишда бунга қанчалик риоя қилинса, шунчалик тўғри бўлади. Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, Афлотунинг фикрича, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам,фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутади. У мисол тариқасида юнон ҳокимлари ҳақида гапиради. Агар улар илм егаси бўлмаганларида қўл остидагиларнинг ва ўзларининг ишларини барбод этиб, шаҳарларни ҳалокатга учратган бўлардилар.”

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги салоҳиятли университетлар томонидан ишлаб чиқилган ва кўплаб давлатлар олий таълим муассасалари томонидан тан олинган талабалар интеллектуал салоҳиятини белгилаш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

мезонларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади.

- талабанинг аналитик фикрлаши
- талабанинг танқидий фикрлаши
- талабанинг синтез қила олиш лаёқати
- талабанинг креатив фикрлаши
- талабанинг муаммони ечиш кўникмаси.

Ушбу мезонлар орқали бўлажак кадрларнинг интеллектуал савияси аниқланади ва юқори салоҳиятга эга мутахассислар сифатида баҳоланади. Талабалар интеллектуал маданияти тушунчасининг таркибий қисмини билим, тафаккур ва дунёқараш ташкил қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ахлоқий бурч ва ахлоқнинг олий таълим тизимида талабаларнинг ўз ишига, ватанига ва оиласига садоқат, бурч орқали хизмат қилишида ва ҳаётини мустаҳкамлаб боришида кўришимиз мумкин .Ахлоқий масалалар ҳар бир даврнинг ўзига яраша муҳим бир муомоси ҳисобланиб келган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳақида шундай фикр айтганлар" Айни вақтда ҳалол ва самарали меҳнати, илмий-ижодий ютуқлари, Ватанга садоқатли хизмати билан барчага ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиши зарур"

Илм-инсон маънавиятини ёритувчи чироқдир. Илм орқали ҳар бир инсон ўзининг орзу интилишларини амалга ошира олади.Илм олмаслик эса турли иллатларни келтириб чиқаради. Чунки бекорчилик одамларни турли хилдаги жиноятларни содир этишга олиб келади. Жамиятимизда жиноятларнинг камайишини олдини олиш учун ҳам ёшларни илм олишга юксак бурч эгаси бўлиб оиласининг бахтини таъминлашига эришиши керак.

Олий таълим тизимида талабаларнинг ўз ишига ва устозларига бўлган хурматли бўлиши жоиздир. Буни биз буюк фақиҳ олимимиз Бурҳониддин Ал-Марғилонийнинг "Илм, Олим ва толиби илм ҳақидаги" фикрлари орқали кўришимз мумкин.У ўзининг араб тилида ёзган шеърлари орқали олим,илм ва толиби илм ҳақида ажойиб фикрларини баён этаганки,бу фикрлар орқали ҳудди бугунги кунда ёзилгандек. Масалан у олим ҳақида айтар экан, ижтимоий ҳаётда олимнинг тутган йўли катта таъсирга эга эканини,бузуқ эътиқодли олим динни ,шариатни,илмни ва халқни бузиб юбориши ҳақида айтиб ўтади.Олим эътиқоди ва феъли бузуқ олимни " Фасодун кабийр" (катта бузилиш) деб айтиб ўтади.Ал-Марғилоний бузуқ олимнинг зарари элга қанча катта бўлса, нодон ва жоҳил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

одамларники ундан ҳам баттар бўлишини айтади ва одамларни илм, ўқишга тарғиб қилади. Ал-Марғилоний устозни қаттиқ ҳурматлашни буюради.Шарқда устозни хурматлаш ҳақида йўл-йўриқлар мавжуд бўлиб,олим ҳам шу қоидаларга қаттиқ амал қилишни таъқидлайди.Олимнинг фикрича, жаҳолатда қолган нодон одам тирикликдаёқ ўлик ҳисобланади. Юксак маънавиятли шахс тарбия кўрган, виждонли, иродаси бақувват, меҳнатсевардир.Бундай инсонлар ўз кучига ва иродасига таяниб иш кўрадилар.Мустақил тафаккурга эга ёшларни эса қўрқитиш, зўрлаш,босим ўтказиш орқали бошқариб бўлмайди.Бундай ёшларга тобелик,қуллик тушунчаси ётдир.Айнан шундай инсонлардан халқ қахрамонлари етишиб чиқади. Ватанпарварлик деганда, аввало эл-юрт олдидаги маъсулият ва бурч тушунилади.Инсон ватан манфаати,қадр-қиммати, тақдири, истиқболини қанча кўп англаса,ундаги ватанпарварлик туйғуси ҳам шунчалик баланд бўлади.Ватан сотилмайди,ватан сотиб олинмайди,қарзга берилмайди.Мовлоно Фузулийнинг “Менинг битта ҳаётим бор,бордию мингта ҳаётга эга бўлганимда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим”,деган сўзлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бебаҳо ўгитдир.

Бундан ташқари ёшлар орасида жиноятчиликнинг камайишида ҳам уларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топтириш ҳам муҳим ҳисобанади. Айниқса уларда виждонини мустаҳкам,мардлик, камтарлик, бурч,маънавий юксак инсон сифатида улғайиши учун китобнинг ўрни катта ҳам ҳисобланади.Ҳаётда кўпчилик ёшлар орасида китоб ўқиб ким бўламан, ёки китобсиз амалиётда ҳамма нарсани қила олиш мумкин деган тушунчалар мавжуд бўлиб,аслида бу фикрлар вақт ўтиб ўз аҳамиятини йўқотади чунки мутахассисликни эгаллашда пойдевор керак бўлади, буни эса китоб ўқимасдан туриб эгаллаб бўлмайди.Ўзбекистон ҳудудида қадимдан буён яшаб келган халқлар орасида жисмоний маданият кишиларининг маънавий, ақлий,руҳий ва ахлоқий баркамолликини оширишни қадим замонлардан билишган.”Авесто”да ёзилишича “Қадимда болаларни ҳарбий ишларга тайёрлаш ва уларни жисмонан чиниқтириш қадимдан одат эди.Дарвоқе, ҳарбий тайёргарлик жараёнида болалар отда чопиш, ов қилиш, қиличбозлик ва қалқонда рақибидан ўзини ҳимоя қила билиш, сувда сузиш,узоққа югуриш,сакраш,найза ирғитишни ўрганиш мажбурий бўлган”.

Ҳаёт турли хилдаги қийинчилик ва синовлардан иборат экан албатта уларни енгиб ўтиш ва ўз ўрнига эга бўлиш учун инсон ёшлигидан бошлаб тайёргарлик кўриши шарт ҳисобланади.Ахлоқий тарбия инсоннинг ички дунёсини бойитади, инсон ўз ахлоқини устида ишлар экан ўз навбатида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-315-320

камчиликлар ҳам йўқолиб боради.Ҳар бир инсон ибрат олиб яшаши керак.Абдурауф Фитрат ибрат олиб эътиборда бўлиш майли тўғрисида шундай фикр билдиради: ”Одам бировни дўст тутса ва ўзидан улуғларни ҳурмат қилса,улардан ибрат олиб,ўзини уларга ўхшатмоқчи бўлади, улардек саъй-ҳаракат, юриш туриш қилмоқчи бўлади.Бу майлни йўқотмай,уни кучайтириб,ундан фойдаланиши лозим”.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда талаба ёшлар меҳнати, аввало ўқув фаолиятида, фан асосларини эгаллашда, профессионал кўникмалар ҳосил қилишда, илмийтадқиқот ишларида вужудга келади ва такомиллашиб боради. Ўқиш, билимолиш талабалар учун алоҳида хусусиятларга эга бўлган профессионал фаолиятдир.

-Талабанинг ишлаб чиқариш амалиётидаги меҳнатининг асосий кўрсаткичи ўқув жараёнида олган билимларини иш фаолиятида мустақил қўллай билиш даражаси, меҳнат унумдорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, бажарилган ишнинг сифати ва самарадорлиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши ва бошқалардир.

REFERENCES

1. А.Ш.Мирзаев,Ш.Т.Икрамов,Ш.Р.Қобилов.Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, ел-юртга садоқат,адолат,ҳалоллик фазилатлари ва муомала маданиятини камол топтириш.-Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,-2016.
2. Йўлдошев.Ж,Хасанов.С.Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар.Т.:-Ўқитувчи,1992.
3. Шавкат Мирзиёйев.Миллий Тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб,янги босқичга кўтарамиз.-Т.:”Ўзбекистон”-2017.
4.Махмуд Хасаний.Устод ва шогирд.-Т.:”Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”-2000.
5. Абу Наср Фаробий.Фозил одамлар шаҳри.-Т.:” Ўзбекистон миллий инсиклопедияси”давлат илмий нашриёти-2004.
6. Sompong Punturat, Paisan Suwannoi, Jatuphum Ketchatturat. Intellectual Skills Assessment for the Teacher
7. Students at the Faculty of Education, Khon Kaen University. Procedia - Social and Behavioral Sciences 116 2014
8. Озодбек Раджабов.Ёшлар- йурт таянчи”-Т.:”янги нашр”-1998.
9. Абдулла Авлоний.Тошкент Тонги.-Т.:”Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”-1979.
10. Абдурауф Фитрат.Оила.-Т.:”Маънавият”-1998.